

 SMART BANK	Ro'yxatdan o'tkazildi
	Ro'yxat raqami: <u>I-1</u>
	Sana: " <u>20</u> " <u>fevral</u> <u>2023</u> yil
	Imzo: <u>[signature]</u>

«Smart bank» акциядорлик жамияти
Ягона акциядори йиғилишининг
2023 йил «6» fevral даги
02/1 - сонли қарорига
6-илова

**«SMART BANK» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ
МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИНИНГ ОЛДИНИ
ОЛИШ ВА УНИ БАРТАРАФ ЭТИШ
СИЁСАТИ**

Мазкур “Smart bank” акциядорлик жамиятининг манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уни бартараф этиш сиёсати” (кейинги ўринларда Сиёсат деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунлари ва бошқа амалдаги қонунчилик ҳужжатларига ҳамда “Smart bank” акциядорлик жамияти Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Сиёсат “Smart bank” акциядорлик жамияти (бундан буён матнда Банк деб юритилади)да манфаатлар тўқнашувини юзага келишини олдини олиш ҳамда эҳтимолий (потенциал) манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва уни бартараф этиш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Сиёсатда қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

банкнинг бошқарув органлари - Акциядорлар умумий йиғилиши (ёки Банк ягона акциядори), Банк Кузатув кенгаши ва Банк Бошқаруви;

банк ходимлари - Банк билан меҳнат муносабатларига киришган шахслар;

мижоз - Банкнинг кредиторлари, контрагентлари ҳамда Банк томонидан банк хизматларини кўрсатадиган юридик ва жисмоний шахслар;

манфаатлар тўқнашуви - Банк (унинг бошқарув органлари, мансабдор шахслари, ходимлари)нинг мулкӣ ёки бошқа манфаатлари ўртасидаги ва/ёки мижозларнинг мулкӣ ёки бошқа манфаатлари ўртасидаги зиддият.


3. Банк фаолиятида манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ низоли вазият Банкнинг бошқарув органлари ва/ёки ходимларининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) оқибатида мижозларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари бузилишига йўл қўйилган тақдирда Банк (унинг бошқарув органлари, мансабдор шахслари, ходимлари)нинг мулкӣ ёки бошқа манфаатлари ҳамда кредиторлари, контрагентлари, омонатчилари ва бошқа мижозларининг мулкӣ ёки бошқа манфаатлари ўртасидаги зиддиятлар натижасида юзага келиши мумкин.

Бундан ташқари, Банк бошқарув органлари ва ягона акциядори манфаатлари ўртасида ҳам корпоратив манфаатлар тўқнашуви юзага келиши мумкин.

4. Мазкур Сиёсатда қуйидаги манфаатлар тўқнашувлари юзага келган ҳолатлар кўриб чиқилади:

а) Банкнинг бошқарув органлари ва ягона акциядор ўртасида (корпоратив манфаатлар тўқнашуви);

б) Банкнинг бошқарув органлари, мансабдор шахслари, ходимлари ва мижозлар ўртасида;



в) Банк мижозлари ўртасида;
г) Банк ва унинг мансабдор шахслари, ходимлари ўртасида (улар томонидан хизмат вазифалари амалга оширилиш вақтида).

5. Ушбу Сиёсатда белгиланган талаб ва қоидалар Банкнинг бошқарув органлари аъзолари ва эгаллаб турган лавозимлари даражасидан қатъий назар Банкнинг барча ходимлари учун мажбурий ҳисобланади.

Шунингдек, Сиёсат талаб ва қоидалари Банк билан фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар асосида ҳамкорлик қиладиган жисмоний шахсларга ҳам қўлланилади.

6. Мазкур Сиёсат Банкка унинг мижозлари томонидан ишончининг оширилишига, мижозларга адолатли хизмат кўрсатишни таъминлашга ва шаффофлик, очиқлик таъминланиши асосида корпоратив бошқариш стандартларига риоя қилишга қаратилган.

2-боб. Манфаатлар тўқнашувини бошқариш босқичлари ва таъминланиши

7. Манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича уни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш самарадорлигини ошириш, шунингдек Банкнинг бошқарув органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари ҳатти-ҳаракатларини мувофиқлаштириш мақсадида манфаатлар тўқнашувини бошқариш билан боғлиқ жараён қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

а) манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш: манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ вазият юзага келмаслиги учун зарур чора-тадбирларни белгилаш;

б) манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва баҳолаш: манфаатлар тўқнашувини юзага келтириши мумкин бўлган эҳтимолий вазиятларни баҳолаш ва доимий ўрганиб бориш;


в) манфаатлар тўқнашувини бартараф этиш: юзага келган манфаатлар тўқнашувини тўлиқ ва тезкор бартараф этиш учун комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш.

8. Банк манфаатлар тўқнашувини бошқаришда қуйидаги таъминотларга амал қилади:

ҳақиқий (реал) ёки эҳтимолий (потенциал) манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилишнинг мажбурийлиги;

мижозларга улар билан битимлар тузишда тенг ва адолатли муносабатда бўлишлик;

Банк бошқарув органларининг, мансабдор шахсларининг ва ходимларининг қарорлар қабул қилиш ваколатлари Банк томонидан манфаатлар тўқнашувини истисно қилиш даражасида аниқ белгилаб берилиши;



хар бир манфаатлар тўқнашувини аниқлашда ва уни ҳал қилишда Банк учун репутацион рискларни алоҳида кўриб чиқирилиши ва баҳолярилиши;

манфаатлар тўқнашуви ва унинг ҳал қилирилиши юзасидан маълумотларнинг ошкор қилирилиш жараёнининг махфийлиги;

манфаатлар тўқнашувини ҳал қилишда Банкнинг бошқарув органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари манфаатлари мувозанатига риоя қилирилиши;

манфаатлар тўқнашуви ўз вақтида ошкор қилирилиши ва Банк томонидан ҳал қилирилиши (олди олирилиши)га сабабчи бўлган шахсни манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги хабар туфайли таъқиб қилирилишидан ҳимоя қилирилиши.

3-боб. Манфаатлар тўқнашуви юзага келиш сабаблари ҳамда вазиятлар

9. Банк фаолиятида манфаатлар тўқнашувининг қуйидаги асосий турлари юзага келирилиши мумкин:

а) Банкнинг бошқарув органлари ва ягона акциядор ўртасида корпоратив манфаатлар тўқнашуви юзага келиш сабаблари қуйидагилардан иборат:

қонун ҳужжатлари, Банкнинг меъёрий ва ички ҳужжатлари талабларига риоя қилмаслик;

ягона акциядор манфаатларининг устуворлик тамойилига риоя қилмаслик;

йирик битимлар ва аффилланган шахслар билан битимлар ваколатли бошқарув органлари билан олдиндан келишилмасдан тузирилиши;

бошқарув органлари томонидан Банкнинг молиявий аҳволи ёмонлашилишига олиб келирилиши мумкин бўлган қарорлар қабул қилирилиши;

ахборотнинг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ошкор қилинмаслиги ёхуд Банк бошқарув органлари таркибига кирувчи шахслар томонидан бошқа ташкилотлар бошқарув органларида эгаллаб турган лавозимлари, бошқа жамиятлар улушлари (акциялари)га эгаллиги тўғрисида ахборотни ошкор қилмаслиги ёки тўлиқ бўлмаган ахборот тақдим қилирилиши.


б) Банкнинг бошқарув органлари, мансабдор шахслари, ходимлари ва мижозлар ўртасида манфаатлар тўқнашувининг юзага келиш сабаблари қуйидагилардан иборат:

қонун ҳужжатлари, Банкнинг меъёрий ва ички ҳужжатлари ҳамда Банк Устави талабларига риоя қилинмаслик;

ягона акциядор манфаатларининг устуворлик тамойилига риоя қилинмаслик;

амалий мулоқот меъёрлари ва касбий одоб-ахлоқ тамойилларига риоя қилинмаслик;

Банк томонидан ҳам, мижозлар томонидан ҳам шартнома



мажбуриятларининг бажарилмаслиги;

ходим ва/ёки мансабдор шахс томонидан шахсий фойда олиш мақсадида, ўз манфаатларини мижознинг манфаатларидан афзал кўриш (мижозга зарар етказган ҳолда).

в) Банк мижозлари ўртасида манфаатлар тўқнашувининг юзага келиш сабаблари қуйидагилардан иборат:

қонун ҳужжатлари, Банкнинг меъёрий ва ички ҳужжатлари ҳамда Банк Устави талабларига риоя қилинмаслик;

Банк ва мижоз ўртасида тузилган шартнома мажбуриятларини бажарилмаслиги;

амалий мулоқот меъёрлари ва касбий одоб-ахлоқ тамойилларига риоя қилинмаслик;

ходим ва/ёки мансабдор шахс томонидан шахсий фойда олиш мақсадида, бир мижознинг манфаатларини бошқа мижознинг манфаатларидан афзал кўриш (бошқа мижозга зарар етказган ҳолда);

г) Банк ва унинг мансабдор шахслари, ходимлари ўртасида манфаатлар тўқнашувининг юзага келиш сабаблари қуйидагилардан иборат:

қонун ҳужжатлари, Банкнинг меъёрий ва ички ҳужжатлари ҳамда Банк Устави талабларига риоя қилинмаслик;

амалий мулоқот меъёрлари ва касбий одоб-ахлоқ тамойилларига риоя қилинмаслик;

лавозим мажбуриятларини бажаришда олинган инсайдерлик ахборотидан фойдаланиб, ҳам ўзи томонидан, ҳам оила аъзолари томонидан тижорат фаолиятини юритилиши;

Банк иш (амалий) муносабатларини ўрнатган бошқа мижоз (ҳамкор)да мулкӣ ва/ёки бошқа манфаатлар мавжудлиги;

бошқа ташкилотда раҳбар, мансабдор шахс сифатида ўриндошлик бўйича ишлаш ёки унинг бошқарув органларида иштирок этилиши;


ходим томонидан ўз лавозим мажбуриятларидан шахсий фойда олиш мақсадида фойдаланишга имкон берадиган функцияларнинг қўшиб олиб борилиши;

шахсий манфаатларини кўзлаб Банк манфаатларига зарар келтирган ҳолда бошқа ташкилотларга амалий имкониятлар тақдим қилиниши.

10. Манфаатлар тўқнашуви юзага келиш сабаблари бўйича юқорида санаб ўтилганлар тўлиқ ҳисобланмайди, балки Банк бошқарув органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари бошқа вазиятларда ҳам манфаатлар тўқнашувини мавжудлигини мустақил баҳолашлари лозим.

4-боб. Манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш

11. Манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар

SMART BANK	Ro'yxatdan o'tkazildi
	Ro'yxat raqami: I-1
	Sana: "20" fevral 2023 yil
	Imzo: 

Банкнинг бошқарув органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан бажарилиш мажбурий ҳисобланади.

12. Ҳар қандай турдаги манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш мақсадида Банкнинг бошқарув органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари қуйидагиларни амалга оширишлари шарт:

қонун ҳужжатлари, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, Банк Устави ва ички ҳужжатлари талабларига риоя қилиш;

қонун ҳужжатлари ва Банкнинг ички ҳужжатлари билан белгиланган тартибда ўз вазифаларини виждонан ижро қилиш;

амалий мулоқот меъёрлари ва касбий одоб-ахлоқ тамойилларига риоя қилиш;

Банк ходими томонидан ўз хизмат вазифасини бажариш билан боғлиқ вазиятда мижоз ва/ёки учинчи шахсдан пул маблағлари ёки пуллик эквивалентга айлантирилиши мумкин бўлган совғаларни қабул қилмасликни таъминлаш;

манфаатлар тўқнашуви пайдо бўлишига олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатлар содир этилишидан (ёки ҳаракатсизликдан) ва қарорлар қабул қилинишидан сақланиш;

Банкнинг самарали бошқарувини таъминлаш ва Банк манфаатларида ҳаракат қилиш;

Банк операциялари ва бошқа битимларни амалга оширишда максимал самарадорликка эришиш;

мижознинг эҳтимолий хатоси туфайли ушбу ҳолатдан Банк ходимларининг шахсий манфаатларида фойдаланишга йул қўймаслик. Шундай хатолик юз берганда мижоз топшириғини бажаришдан аввал уни, албатта, огоҳлантириш;

Ягона акциядорнинг ҳуқуқларига риоя қилинишини таъминлаш;


Банкнинг қонунга хилоф фаолиятни амалга оширишга жалб қилиниш эҳтимолини истисно қилиш;

ички ва ташқи назоратни Банк Устави ва ички ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириш, шунингдек Банкнинг ички назорат тизими камчиликларини аниқлашда иштирок қилиш;

йирик битимлар ва Банкнинг аффилланган шахслари билан битимлар тузиш ва тасдиқлаш тартибига тегишли қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиш;

қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда битимлар тузиш туғрисида қарорлар қабул қилишда Банк мулкнинг бозор қийматини белгилаш учун танлов асосида мустақил баҳоловчини жалб қилиш;

аффилланган шахслар туғрисида маълумотларнинг ҳисобга қўйилишини таъминлаш;



Банк мансабдор шахсларининг бошқа ташкилотлар бошқарув органлари ва назорат органларида иштирокининг Банк Кузатув кенгаши билан келишувини таъминлаш;

қонун ҳужжатларига ва Банкнинг ички меъёрий-ҳужжатларига мувофиқ мажбурий ошкор қилинадиган ахборот ва бошқа ахборотнинг ўз вақтида, асосли ва тўлиқ ошкор қилинишини таъминлаш;

Банкнинг махфий ахбороти ва инсайдерлик ахборотидан фойдаланиш тартибига қатъий риоя қилинишни таъминлаш;

акциядорларга, контрагентларга, бошқарув органларига ва бошқа манфаатдор шахсларга, жумладан реклама мақсадларида тақдим қилинадиган ахборотларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш;

манфаатлар тўқнашувининг энг эрта ривожланиш боскичларида ўз вақтида аниқланишини таъминлаш;

манфаатлар тўқнашуви юзага келишига шарт-шароит яратувчи ҳолатлар пайдо бўлганлиги тўғрисида юқори мансабдор шахсни ёки Банк бошқарув органини ўз вақтида хабардор қилиш;

мансабдор шахс ёки унинг оила аъзолари молиявий манфаатга эга ва Банк тижорат фаолиятини бирга юритаётган ёки юритишни мўлжаллаган ташкилотлар тўғрисида юқори мансабдор шахсни ёки Банк бошқарув органини хабардор қилиш;

Банкнинг аниқ ва асосланган нуқтаи назарини ягона акциядор эътиборига ўз вақтида етказилишини таъминлаш ва низо мавзуси бўлиш эҳтимолига эга масалалар бўйича тўлиқ ахборотни тақдим қилиш;

Банк бошқарув органлари аъзолари мустақил ва тобе бўлмаган ҳолда ҳаракат қилиши ҳамда ҳар қандай масаларни ҳал этишда тенг овозлар сонига эга бўлиши лозим;


бир-бирига нисбатан яқин қариндошлар бўлган шахслар, ҳамда бир-бири билан бевосита бўйсунуш муносабатларида бўлган Банк ходимлари, бир вақтнинг ўзида Банкнинг бошқарув органларидан бирининг таркибида лавозимларни эгаллаши мумкин эмас;

Банк бошқарув органлари аъзоларини рағбатлантиришни Банкнинг молиявий ҳолатидан келиб чикиб амалга ошириш;

қабул қилинадиган бошқарув қарорларининг объективлиги ва мустақиллигини таъминлаш учун Банк Кузатув кенгаши таркибига мустақил аъзолар номзоди кўрсатилишига интилиш.

5-боб. Манфаатлар тўқнашувини бартараф этиш

13. Банкда юзага келадиган манфаатлар тўқнашувини бартараф этиш учун Банкнинг бошқарув органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари Банк манфаатларига жавоб берадиган қонуний ва асосланган қарорлар қабул



қилишлари лозим.

14. Банк Бошқаруви мижозлар томонидан Банкнинг бошқарув органлари, корпоратив маслаҳатчи ва барча таркибий бўлинмаларга келиб тушадиган мурожаатларнинг ҳисобини юритилиши ҳамда ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлаши лозим.

Корпоратив манфаатлар тўқнашувининг ҳисобини юритиш вазифаси Банкнинг корпоратив маслаҳатчисига юклатилади. Банкнинг корпоратив маслаҳатчиси корпоратив манфаатлар тўқнашувига олдиндан баҳо бериб, масаланинг моҳиятидан келиб чиқиб унга ойдинлик киритувчи ҳужжатларни тайёрлайди ва Банк Кузатув кенгаши розилиги билан ушбу масалани ечиш ваколати мавжуд таркибий тузилмага тақдим этади.


Банкнинг корпоратив маслаҳатчиси тез-тез такрорланиб турувчи масалаларни таҳлил қилади, таҳлил натижалари бўйича манфаатлар тўқнашувига киришган барча тарафларга қўшимча ахборот бериш ёки бермаслик тўғрисида қарор қабул қилади ва/ёки Банк Кузатув кенгашига бу каби низоли вазиятни келиб чиқишига сабаб бўлаётган ички тартиб ва қоидаларни ўзгартириш, тўқнашувини келиб чиқишини бартараф этувчи бошқа таклифлар беради.

15. Мижоз ёки бошқа манбалардан манфаатлар тўқнашуви ҳолати бўйича ахборотга эга бўлган ходим зудлик билан бу тўғрида мансаб лавозими бўйича ўзидан юқори ходимни огоҳлантириши шарт. Агар низоли вазият таркибий тузилма миқёсида ечиш имконияти бўлмаса таркибий тузилма раҳбари бир иш куни ичида Банк Бошқаруви раисини низоли вазият, унинг келиб чиқишига сабабчи бўлган омиллар ҳамда уни бартараф этиш учун кўрилган чоралар тўғрисида огоҳлантириши шарт. Банк Бошқаруви раиси низоли вазиятни бартараф этиш усулини белгилайди ва масъул шахс белгилайди. Зарур ҳолларда эса низоли вазиятни бартараф этиш учун комиссия тузилиши мумкин.

16. Манфаатлар тўқнашувини бартараф этиш учун белгиланган масъул ходим ёки комиссия низоли вазиятни бартараф этишнинг барча чораларини кўради. Агар уни бартараф этиш имконияти бўлмаса, Банк Бошқаруви раиси ушбу масалани Бошқарув йиғилиши муҳокамасига киритади ва Банк Кузатув кенгашига тўлиқ ахборот тақдим қилади.

17. Банк Бошқаруви томонидан манфаатлар тўқнашуви бўйича тақдим қилинган ахборот Банк Кузатув кенгаши томонидан манфаатлар тўқнашувининг Банк фаолиятидаги таъсири, унинг ҳажми ва бошқа шу каби кўрсаткичларидан келиб чиқиб унинг навбатдаги йиғилиши муҳокамасига киритади ёки ушбу масалани зудлик билан бартараф этиш мақсадида навбатдан ташқари йиғилиш чақириши мумкин.

18. Банк Бошқаруви раиси Банк манфаатларига таъсир қилувчи ёки



таъсир қилган ҳар қандай манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги ахборот 3 (Уч) иш куни муддатда Банк Кузатув кенгаши муҳокамасига киритилиши ва унинг бартараф этиш учун қабул қилинган қарор ижросини таъминлаш ва назорат қилиш учун аниқ шахслар белгиланиши лозим.

19. Вужудга келган манфаатлар тўқнашувини бошқариш ва бартараф этишда Банкнинг қабул қилинган ички меъёрий ҳужжатларига ўзгартириш киритиш ёки янги меъёрий ҳужжат қабул қилиниши лозим бўлса Банкнинг бошқарув органлари ўз ваколат доираларидан келиб чиқиб тегишли қарор қабул қилишлари лозим.

20. Банкнинг бошқарув органлари вужудга келадиган ҳар қандай манфаатлар тўқнашувини бартараф этиш учун қуйидагиларни амалга оширишлари лозим:

- вужудга келадиган манфаатлар тўқнашувини имкон қадар тез аниқлаши ва унинг вужудга келиш сабабларини ўрганиши;

- Банкнинг бошқарув органлари ваколатлари ва жавобгарлигини аниқ чегаралашлари;

- манфаатлар тўқнашувини бартараф этиш бўйича масъул ходимни белгилаши, лозим ҳолларда эса комиссия тузишлари;

- имкон қадар тезкорлик билан манфаатлар тўқнашуви бўйича Банкнинг манфаатларидан келиб чиқиб, унинг қарашларини аниқлаш, Банк манфаатларини ҳимояси бўйича қарорлар қабул қилиш ва манфаатлар тўқнашувидан манфаатдор тарафларга етказиш;


- манфаати Банк манфаати билан зид келган тарафга Банкнинг асосланган нуқтаи-назари акс эттирилган тўлиқ ва асосланган жавоб бериш, манфаати зид томонга уларнинг талабларини ижро этилмаслиги бўйича қонунчилик ҳужжатлари, Банк Устави ва ёки ички меъёрий ҳужжатлар талабларидан келиб чиқиб, уларга асосан жавоб бериш;

- манфаатлар тўқнашувини бартараф этишга иштирок этувчи масъул шахслар уларнинг ёки уларнинг оила аъзоларининг манфаатларини ҳам келтириб чиқариши мумкин бўлган ёки келтириб чиқарадиган ҳолатлар бўйича зудлик билан маълум қилиш;

- манфаатдор шахсларни манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини бошқариш ва бартараф этиш жараёнига иштирок этмаслигини таъминлаш.

21. Банкнинг бошқаруви органлари ва ягона акциядор ўртасида вужудга келадиган корпоратив манфаатлар тўқнашувини бартараф этиш учун қуйидагилар амалга оширилиши лозим:

- Банкнинг ваколатли шахси ягона акциядорнинг музокараларда иштирок этиши, ягона акциядорга ўз ихтиёридаги ва корпоратив манфаатлар тўқнашувига тегишли ахборот ва ҳужжатларни тақдим қилиши, қонунчилик ҳужжатлари меъёрларини, Банк Устави ва ички меъёрий ҳужжатларини



тушунтириши мумкин;

- Банкнинг ваколатли шахслари ёки ваколатли органлари ягона акциядорга маслаҳатлар ва тавсиялар беришлари, низоли вазиятни бартараф этиш тўғрисидаги ҳужжатлар лойиҳаларини ягона акциядор томонидан имзоланиши учун тайёрлашлари, Банк номидан ўз ваколатлари доирасида ягона акциядор олдида корпоратив манфаатлар тўқнашувини бартараф этишга ёрдам бериши мумкин бўлган даражада мажбуриятлар олишлари мумкин;

- Банкнинг ваколатли органлари ўз ваколатлари доирасида низоли вазиятни бартараф этиш бўйича қабул қилинган қарорларни ижро этишлари ҳамда бу қарорларни бошқа тарафлар томонидан ижро этилишига амалий ёрдам кўрсатишлари лозим. Низоли вазият тарафлари ўртасида уларнинг асосий мажбуриятлари бўйича келишмовчилик мавжуд бўлмаган, бироқ уларни бажариш тартиби, усули, муддатлари ва бошқа шартлар тўғрисида келишмовчилик юзага келган ҳолатларда, Банк низоли вазият тарафларига юзага келган келишмовчиликларни ҳал этишни таклиф қилиши ва Банк низоли вазият тарарфлари талабларини қондиришга тайёр бўлган шартларни маълум қилиши лозим.


22. Мазкур чора-тадбирлар рўйхати узил-кесил ҳисобланмайди. Ҳар бир муайян ҳолатда манфаатлар тўқнашувининг юзага келиш моҳиятига қараб низони ҳал қилишнинг ўзгача шакллари бўлиши мумкин.

6-боб. Якуний қоидалар

23. Мазкур Сиёсатга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар Банк Кузатув кенгаши тавсияси асосида Ягона акциядор томонидан тасдиқланади.

24. Мазкур Сиёсат билан тартибга солинмаган масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

25. Ушбу Сиёсатнинг алоҳида бандлари Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилиги ёки Банк Уставига зид бўлса, ушбу бандлар ўз кучини йўқотади ва ушбу бандларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилгунга қадар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва Банк Устави нормаларига амал қилинади.



[Three handwritten signatures in blue ink]

ЮРИДИК ХУЛОСА

(норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ҳуқуқий экспертизадан
ўтказиш тўғрисида)

Экспертиза ўтказувчи	Юридик департаменти
Экспертизадан ўтказилган меъёрий ҳужжат номи	“Smart bank” акциядорлик жамиятининг Манфаатлар тўкнашувининг олдини олиш ва бартараф этиш Сиёсати.
Экспертиза ўтказишда фойдаланилган қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар	“Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”, Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунларига, банкнинг Устави ва ички меъёрий ҳужжатлар.

Мазкур Сиёсат Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, банкда манфаатлар тукнашувининг юзага келишини олдини олиш ҳамда эҳтимолий манфаатлар тукнашувини аниклаш ва уни бартараф этиш тартибини белгилайди, манфаатлар тукнашуви юзага келиш сабаблари ҳамда вазиятлари, манфаатлар тукнашувини олдини олиш, манфаатлар тукнашувини бартараф этиш каби масалаларни тартибга солишга қаратилган.

Ушбу Низомни ишлаб чиқишда қонунчилик техникаси қоидаларига риоя қилинган.

Ҳуқуқшунос



М.Ғуломжонова